



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 22 март, № 55 (7013)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Жонажон юртимиз — Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу қутлуг айём — Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опасингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадрли дўстлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини қутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача — барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табарруқ заминимизга, она-диёримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари — одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюқ Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз ийлимиз қутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқроқ миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли



инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва сеvimли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табриklarимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам юртдошларим!

Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилаklarимни изҳор этишдан бахтирман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!

Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!»

Мамлакатимиз бўйлаб байрам сайиллари давом этмоқда.

Наврўз — яшариш, янгиланиш ва эзгулик айёми. У мангулик тинчлиги, меҳр-оқибат рамзи, бағрикенглик, саховат, тинчлик ҳамда фаровонлик ифодасидир. Шу боис Наврўзи оламнинг ташрифи қалбларимизга олам-олам қувонч бахш этади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди таъкидланганидек, она-табиатни севиш ҳамда ардоқлаш, ҳаёт

гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир.

Табиат уйғониб, борлик ям-яшил тусга кирган, қушлар чугур-чугури қулоққа хуш ёқиб, кўнгилда эзгу ниятлар куртак ёзаётган шундай фараҳбахш дамларда бу бебаҳо байрамни беҳад соғинганимизни англаймиз. Шу боис юртимиз узра катта хурсандчилик билан тантана қили-

наётган Наврўзга хуш келдинг, дея пешвоз чиқмоқдамиз.

Аслида, одамзод ҳамда таби-



атни бири-биридан айро ҳолда тасаввур этиш мушкул. Зеро, ҳар баҳорда табиат ўзининг кўрку чиройи, уйғониши билан инсон хатти-ҳаракатларига ҳам таъсир қилади. Буни шу кунларда юртдошларимизнинг ободонлаштиришу кўкаламзорлаштириш юмушларига киришиб, амалга

ошираётган хайрли ишларидан ҳам англаш мумкин.

Қадим-қадимдан Наврўз нафақат яшариш ва янгиланиш айёми, шу билан бирга, Ватанга наф келтириш, эл-юртга хизмат қилишдек улугвор ниятларни амалга ошириш шодиёнаси си-фатида ҳам қадрлидир. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг номи юқориди қайд этилган қарориди айтилганидек, асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақил-

лик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди. Ушбу айём муносабати билан айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, маҳаллаларида ҳам Наврўз шукуҳи ҳукмрон. Ҳар бир масканда байрам халқ сайли тарзида нишонланмоқда. Хусусан, “Ўзэкспо-марказ” мажмуаси шодиёнага муносиб тарзда безатилган.

(Давоми 2-бетда).



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнгги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталарига янги ҳаётий куч бағишлади. «Бир макон — бир йўл» қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишим ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент, азиз қардошим!

Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлик, бирдамлик ва ҳамкорлики ўзида мужассам этиб, келажақ авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий тилаklarим ила табриклайман.

Ҳурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоган,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўз айёми муносабати билан самимий табриklarимини қабул қилгайсиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Ҳурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ҳамда Сизнинг тисолингизда бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми — Наврўз билан самимий муборакбод этаман. Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик, яхши қўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамойилларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Сооронбай Жээнбеков,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш айёми — халқаро Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

НАВРЎЗ — ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир.

Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши қўшнилик каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.

Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев қутиб олди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик дамларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев та-шаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлаklари очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намоёндалари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирлар-

да фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилигига эришилганини таъкид-ладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорли-нинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Қуръон тиловат қилинди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ҳам-роҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг самимий табриklarимини изҳор этаман.

Муштарак байрамимиз билан яна бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.

Муҳаммад Ашраф Ғани,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига

Саудия Арабистони Подшоҳи
Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги ворис шахзодаси,
Бош вазирининг ўринбосари,
мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд**

Индонезия Президенти **Жоко Вадодо**

Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**

БАА вице-президенти, Бош вазири,
Дубай амири **Муҳаммад ибн Рошид Ол Мактум**

Афғонистон ижро ҳукумати раҳбари
Абдулла Абдулла

Кавказ муслмонлари идораси раиси
Оллоҳшукур Пошшозода табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Наврўз муносабати билан самимий табриklar келиши давом этмоқда.

«АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!»

Мамлакатимиз бўйлаб байрам сайиллари давом этмоқда.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дошқозонларда қайнаётган сумалак атрофида сочларига гулчамбар таққан қизалоқлар кулгиси, дўпписю чопони, белбоғи ўзига ярашган йигитчалар сўхбати, ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, шу дориламон кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтаётган нуронийлар каломида Ватан ва унга бўлган чексиз муҳаббат муҳассам.

2018 йил 21 март. “Ўзэкспомарказ” мажмуаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган меҳмонлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, нуронийлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, тадбиркорлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқро ташкилотлар вакиллари билан янада гажувм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мажмуага ташриф буюради.

Карнай-сурнай садоси янграб, байрамнинг асосий тантаналари бошланади. Шўҳ-шодон наваларда ҳаёт абадиёлиги ҳамда гўзаллиги васф этилади. Мажмуа йўлаклари бўйлаб ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигини кўрсатувчи павильонлар ўрин олган. Уларда вилоятларимизнинг аънаналари, урф-одатлари, турли қандолатлар, ноз-неъматлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш қилинаёпти. Ҳалим, кўксомса, қўқучвара сингари Наврўз таомларидан татиб, дилларда шукрона уйғонади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир вилоят учун ажратилган жойларга бориб, уларнинг чиқишларини кузатиб, сўриларда сўхбатлашиб ўтирган нуронийлар, онахонлар, ёшлар билан кўришди, самимий ҳол-аҳвол сўрашди.

Оҳангларга уйғун тарзда асосий саҳнада ўрнатилган улкан мониторларда серкўёш диёримизнинг мафтункор ва гўзал табияти, яшнаган чаманзорлар жамоли, шошалоқ жилғалар акс этганини кўриб, осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви зилол, тўпроғи табарук ана шундай гўзал юрда яшаётганинг билан фахрланасан киши.

Нафақат марказий шаҳарлар, балки энг чекка қишлоқларда ҳам қад ростлаётган биналар, мактаб, боғча, ёшлар марказлари халқимизнинг юксак бунёдкорлигидан нишонидир. Аҳоли турмуш фаровонлигининг тобора юксалиб бораётгани чуқур ҳамда пухта уйланган мақсад ва муддоаларнинг ҳаётбахш самарасидир. Бошқача айтганда, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя қалблардан жой олиб, ўзининг ёрқин натижасини бераётганини ҳаётнинг ўзи аққол тасдиқламакда.

Президентимиз ташаббуси билан кейинги бир ярим йилда олиб бориладиган ислохотлар туфайли оламшумул ўзгаришларга ғувоб бўлмоқдамиз. Тасаввуримизга сиймаланди, тушумимизга кирмаган янгилашиллар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқдаки, бунча нафақат шу азият ва жонахон Ўзбекистонда яшаётган турли миллатлар ҳамда эллатар вакиллари, шу билан бирга, халқро ҳамжамият ҳам тан олиб, эътироф этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё — бош устувор йўналиш таъминоти ҳаётга илҳом қилиши минтақада татбиқ янги сиёсий муҳит яратиш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқаларни мустақамлаш имконини берди. Шу асосда сўвдан оқилона фойдаланиш, чегара, транспорт қатновини қайта тиклаш ҳамда кенгайтириш каби кўплаб нозик масалаларга ечим топилди.

Россия ва МДХнинг бошқа мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Европа ҳамда Осиёдаги бир қатор давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустақамлашди. БМТ, ЕХФТ, ШХТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

— Наврўз байрамни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан фой

мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним. — Шу қулай фурсатдан фойдаланиб, барча Ўзбекистонликларни ушбу ажайиб айём билан кутлайман. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилаётган. Барча соҳада йўлга қўйилган ишчил ва мустақам алоқалар келгусида янада жадал ривож топишига ишонаман.

Халқро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда. Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққий банкининг офиси қайта иш бошлади. Халқро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққий банки, Ислам тараққий банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки билан ҳамкорлик янгича асосда йўлга қўйилди.

2017 йилда 200 дан ортқ халқро шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий соҳаларда қиймати қарийб 60 миллиард АҚШ долларига тенг келишув ва битимлар имзоланди.

— Наврўз — азал-азалдан Шарқ халқлари томонидан байрам қилиб келинган, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мухаммадали Абдуқунадузов. — Ушбу байрам кунлари қўни-қўшни бир-бирини йўқлагани, биргаликда, ахил-иноқ бўлиб сумалагу турли баҳорий таомлар тайёрлашга

чиси — қалдирғочлар вижир-вижир, шаршара садоси, булбуллар хониши эшитилади, гуллар очилишини ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланади. Саҳналарда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва эллатар вакиллари бадий дастурлари намойиш қўшди хамда биродарлик тарафнаммага улашиб кетди.

2018 йил мамлакатимизда Президентимиз тақлифи асосида “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланди. Бундай эзгу ташаббус халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

..Хар қандай байрам болажонлар билан янада файзли, янада мароки. Наврўз тантаналарида ҳам болажонлар ўзларининг беғубор чиқишлари ила қўнғилларга завқ шавқ улашди. Улар мусаффо орзуларни, ҳаёт нашидасини баралла қуйлашди.

Фарзандлар таълим-тарбиясига юксак ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бу қўйидаги рақамларда ҳам аққол намойиши: 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2018 йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларни таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун

китоб мутолааси, музей, театр ҳамда тарихий обидалар ва табиат масканларига саёхат қилиш — ички туризмни ривожлантириш учун қулай шароит яратилади. Ҳафтанинг шанба кунлари таълим муассасаларида ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда ота-оналарнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, турли тўғрақлар, спорт секциялари ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Жойларда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил қилиниб, жорий ўқув йилида 750 нафар йигит-қиз ана шу олий ўқув юртининг талабаси деган юксак шарофга ноил бўлди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз, Термиз давлат университети Денов филиаллари очилди. Шу билан бирга, республикамизнинг 15 та олий таълим муассасида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларда 9 мингдан ортқ ўрта махсус маълумотга эга педагогларнинг олий маълумот олишига имконият яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтаб-гача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониди соҳа олдидаги долзарб вазифалар ҳамда устувор йўналишлар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Мақтаб-гача таълим вазирлиги ташкил қилинди.

2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Дастур асосида боғчалар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал давом эттирилади. 2018 йил Давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 771 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Хусусий боғчаларга катта имтиёзлар берилди, жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомидида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми Давлат бюджетини ҳисобидан қопланади. Бу уларга туланадиган тўловлар ошиб кетмаслигини таъминлайди.

Наврўз тантаналарида жўшқинлик, ёшлик, шижоат тараннум қилинган қўшиқлар барча-барчани рақсга чорлайди.

— Юртимизда Наврўзи олам кат-

ган Фулом Турсунов. — Бундан бошимиз осмонга етди. Наврўз ажиб хурсандчилик билан ўтказилаёпти. Очиғи, ён-атрофдаги гўзалликдан, жозибадан ҳайратдамиз. Ватанимизга кўз тегмасин, ҳамisha гуллаб-яшнасин.

Озод ва обод юртимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ислохотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқро ташкилотлар ва экспортлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, ҳолисона баҳоланмоқда. Чунончи Бирлашган Миллатлар Ташкилотини томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари — 2018” мавзусида тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифодалайдиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 156 давлат орасида 44, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида эса 1-ўринни эгаллади.

...Наврўзга “Миллий аъналаримизни намойиш қилувчи кўзгу”, деймиз. Бунинг исботи тариқасида Наврўз удумлари — арқон тортиш, чиллак, “Оқ теракми, қўқ терак” сингари азалий ўйинлар ўйналади. Масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, ёғоч от ўйнатувчилар ҳам ўз истеъдодларини кўрсатадилар. Эл ардоқлаган санъаткорлар ижросидаги халқ қўшиқлари, лапар, айтишувлар, ёр-ёру яллалар ёшлар томонидан талқин қилинади. Катта ашулалар айтылади.

Жумладан, пойтахтимизнинг барча маданият ва истироҳат боғларидаги сайилларда ҳам халқ ўйинлари ҳамда қўшиқлари, миллий аъналаримизни қадриятларимизнинг янгича қирралари кашф этилаётгани миллий маънавиятимизни илдири нақадар мустақам, кенг қамровли эканлигини исботламакда. Бинобарин, тантаналарда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос удум ва аъналарини кўз-кўз қилинди. “Ёр-ёру”, “Шундай замон қайда бор?”, “Ҳақалакам ўйнасанми?”, “Бўш келма”, “Гулсандик”, “Хей, жўрлар!” каби қўшиқлар, “Урчуқ” рақси сингари ноёб намуналар байрамга ўзгача шукўқ қўшди.

Оилалар мустақамлиги, юрт ободлиги, ижтимоий фаровонлиги, жумладан, умр қуриш давомийлиги борасида ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган ўринни мустақам эгаллаган. Халқимиз манфаатини ўйлаб, узокни қўзлаб олиб борилаётган сиёсат, ғамхўрлик эъазига қўлга қиритилган бундай ютуқлардан ҳар биримиз гурурланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз. Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароити ғамхўрликлар, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги тўб бурилиш — буларнинг барчаси халқимиз манфаати, унинг қадрини юксалтиришга қаратилган эзгулик шарофатидандир.

Ватан ҳамда истиқлот, тинчлик ва дўстлик шеър қўшиқларда, мусика ҳамда рақсларда баралла мадҳ этилади. Тароналар, байрам жозибаси дилларга олам-олам шодлик улашади. Наврўз таровати бутун юрт узра, қалблардан-қалбларга кўчиб қораяди. Жойларда, маҳалларда, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқ сайиллари давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизматининг хабар беришича, Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзиди Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этиди.

Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида вилоятнинг салохияти, шаҳар ҳамда туманларнинг кўргазмалари, садаи кўринишлари намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари вилоят жамоатчилиги, нуронийлар, фаоллар, ёшлар билан сўхбатлашди, барчани байрам билан яна бир бор табариклади. Самимий мулоқот чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев мазкур боғда ўрнатилган Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий хайкаллари пойига гул қўйди.

Ўзбек ҳамда тожик адабиётининг буюк намояндалари бўлган ушбу шоирлар замондош, ҳамфикр бўлган. Уларнинг адабий мероси бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлик алоқаларини мустақамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Самарқанддаги байрам шодиёналарида тожикистонлик меҳмонлар ҳам қатнашди. Президентимиз улар билан сўхбатда аждоқларимизнинг маънавий мероси халқларимизнинг умумий бойлиги экани, уни ўрганиш азалий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлашини таъкидлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Шарқона янги йил — Наврўзи олам юртимизнинг барча ҳудудида катта шоду хуррамлик ҳамда улкан меҳнат натижалари билан кутиб олинди. Байрам сайилларида, турли тадбирларда шу фаровон кунларга шукроналар айтилди. Жойларда айёмга тухфа сифатида янги бино ва иншоотларнинг фойдаланишга топширилгани, қатор эсда қоларли ақцияларнинг ўтказилгани халқимиз қувончига қувонч қўшди.

Чексиз ҳаяжонлар, ёрқин таассуротлар

Байрам сайиллари Нукус шаҳридаги “Истиқлон” боғчалар маданият ва дам олиш боғи, И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи ҳамда “Ёшлар маркази” қошидаги майдонларда, шунингдек, барча ҳудудда кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри, Нукусдаги 12-боғчалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари, бахши-жировлар, дорбозлар ҳамда шоирларнинг қишқилари, спорт ўйинлари томошаси йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Дошқозонда сумалак... Атиги 5 тонна



Сумалак сайли Наманган вилоятида бўлиб ўтган айём тадбирларига ўзгача шукўқ бағишлади. Бу ерда ўрнатилган улкан дошқозонда 5 тонна сумалак тайёрланиб, шаҳар аҳли ва меҳмонларга тарқатилди.

Самимий меҳмондўстлик оҳанрабоси

Бухоро шаҳри қўчалари бўйлаб ташкил этилган сайилларда нафақат юртдошларимиз, балки кўплаб хорижликларни ҳам учратиш мумкин эди.

— Юртингизга саёхатимиз айна шундай шукўқли, тароватли кунларга тўғри келганидан хурсандимиз, — дейди тунислик Латифа Герад. — Бир неча кун давомида Хива, Самарқанд каби шаҳарларимизни айландик. Ҳозир Бухородамиз. Диёрингизнинг қаерида бўлмайлик, ҳамма жойда самимий ва меҳмондўст одамларни учратдик. Улар билан Наврўзи оламни эл-юртга омонлаганимиздан мамнунимиз.

Замонавий санъат саройига хуш келибсиз

Термизда шундай санъат қошонасини бунёд этиш учун 132 миллиард сўмликдан ортқ маблағ сарфланди. 32 гектар майдондан иборат ҳудуд ободонлаштирилиб, қўркам ва гўзал гўшага айлантирилди. Шу билан бирга, 3 минг ўринли Амфитеатр биноси, рангли фаввора қурилди. Миллий ҳамда замонавий архитектура уйғунлиги асосида қад ростлаган мазкур бино энг илгор техника ва технологиялар билан жиҳозланган.

Омонлик, нафлик — ҳеч кўрмайлик ёмонлик

Фарғонанинг гўзал гўшаларидан бўлган Шоҳи-мардон ва Ёрдон қишлоқларида Наврўз байрами қиру адирлар, кенг яйловлар бағрида ўтказилди. Ёши улғу инсонлар шу кунларга етказганига шукроналар айтиб, “Омонлик, омонлик — ҳеч кўрмайлик ёмонлик”, дея ният қилишди.

— Сумалак тайёрлаётганда шу кунларга етказганига шукрона айтиб, эл-юртга омонлик, экинтининг барака тиладик, — дейди Ҳамроби ая. — Минг шукр, Ватанимиз тинч, дастурхонимиз файзли, фарзандларимиз соғ-саломат. Ҳамма ўз қомуши билан банд. Эртанги кундан кўнглимиз тўқ. Халқимизнинг шундай кунлари бардавом бўлсин.

Ҳазораспда янгилаш фасли

Хоразм вилоятида ҳам байрам муносабати билан қатор иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Ҳазорасп туманида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий қорхона ишга туширилди. “Қувончбек-Машхура” МЧЖ томонидан 850 миллион сўмлик инвестиция қиритиш эъазига барпо этилган қорхонада 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Туманнинг Бўстон қишлоғида 100 ўринли мактаб-гача таълим муассасаси очилиши ҳам аҳолига байрам тухфаси бўлди.

Маънавият ошёнлари 22 тага кўпайди

Олмалик шаҳридаги сайилда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ўзига хос урф-одат ҳамда аъналарини намойиш қилинди. Паркентнинг мадор сомаси, Байтўғроннинг бугдўй гўжаси, Оҳангароннинг майин ҳалими кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, дошқозонда дамланган 5,5 тонналик ош иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Байрам арафасида ҳудудда 160 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти, 22 та китоб дўкони ишга туширилганлигининг ўзиде қўш вилоят аҳли бу байрамни қандай қайфиятда кутиб олганлигидан дарак бериб турибди.

Ислоҳот

Юртимизда Наврўз байрами шукҳи кезмоқда. Ушбу айём халқимиз манфаати ва турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббус ҳамда тадбирлар билан уйғунлашиб кетгани, айниқса, диққатга сазовордир. Бинобарин, тўйга тўёна тайёрлашдек азалий анъанага кўра, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоаси ҳам халқимизга ўзига хос тухфа ҳозирлади. Яъни жорий йилнинг 20 март санасидан эътиборан Тошкент — Урганч ва Тошкент — Нукус — Қўнғирот йўналишидаги йўловчи поездлари янги қурилган Бухоро — Мискин темир йўл линияси орқали ҳаракатланишни бошлади.

Ҳозирги вақтгача Тошкент — Урганч йўналишидаги поездлар 1027, Тошкент — Нукус — Қўнғирот линиясида эса 1327 километр йўл босиб, Навоий — Учқудуқ — Мискин магистрალი орқали ҳаракатланаётган эди. Янги лойиҳа туфайли поездлар қатнови қарийб 100 километр қисқарди. Бу, албатта,



Янги темир йўл линиясида йўловчи поездлар ҳаракати бошланди



вақт ҳамда сарф-ҳаражатларни тежашга замин яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 мартдаги “Бухоро — Мискин темир йўл линиясини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, бунёд этилган янги линиянинг умумий узунлиги

355 километрга тенг. Унинг 335 километрида янги пўлат излар ётқизилган бўлса, 20 километр масофадаги темир йўл тубдан таъмирланди. Йўналишдан 121 суъний иншоот, 12 та кўприк ва 6 та йўлўтказгич ўрин олган. Шу билан бирга, йўналишда 5 та станция ҳам барпо қилинди.

Ўтган йилнинг 1 декабридан эътиборан мазкур темир йўл орқали юк поездлари қатнови йўлга қўйилган эди. Эндиликда бу линиядан йўловчилар ўз манзилларига етказиб қўйилади. Аҳамиятлиси, поездларнинг ҳаракатланиш вақти салкам 2 соат қисқаради. Қолаверса, Тошкент — Саратов, Тошкент — Волгоград, Алмати — Нукус, Андижон — Урганч, Нукус — Урганч — Термиз йўналишидаги поездлар ҳам янги темир йўл орқали қатнайди.

Темир йўлнинг иккинчи босқичида линия электрлаштирилади. Натижада келгусида электропоездлар ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” поезд қатнови ҳам йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Дилшод УЛУҒМУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Айём тухфалари

Ошмисан ош бўлди

Андижонда Наврўз байрами ўзгача руҳда ўтди. Ёшлар марфонида қатнашган юзлаб йигит-қизларнинг беллашувларида ҳам халқимизнинг ўзаро бирдамлик фазилатлари намоён бўлди. Шунингдек, ошпазлар томонидан 2 тонна миқдоридаги палов дамланди.



Турмуш обод, кўнгиллар шод

Навоий вилоятида ўтказилган Шарқона янги йил тадбирларида ҳам халқ ўйинлари, фольклор санъати, мусобақа ҳамда танловлар ташкил этилиши билан бирга, ёши улуг инсонлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Айём муносабати билан 2 мингга яқин эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан, 300 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёлғиз қариялар хонадонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан совғалари билан кириб бориши уларнинг кўнглини обод қилди.

Истироҳат боғида катта тантана

Тобора чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрининг истироҳат боғи бу йилги Наврўз тантаналари иштирокчиларини катта ўзгаришлар билан қарши олди. Чунинчи, бу ерга ўрнатилган замонавий аттракцион мажмуи байрамда илк бор болажонларга хизмат қила бошлади. Боғда одамларнинг сайилдан ҳар томонлама завқ олиши учун шароит яратилгани барчага хушнудлик улашди.

Ҳарбий хизматчиларга шинам уйлар

Қарши шаҳридаги “Қашқадарё соҳили” хиёбони байрам муносабати билан ўзгача қиёфа касб этди. Дарёнинг соҳиллари бўйлаб воҳа тарихи, миллий қад-

риятлари, анъана ва маросимлари намойиш қилинди. Ўтовларда дўмбира чертаётган бахшчилар алп йигитларнинг ўзбекиона гуруридан, оридан сўзлади. Чанқовуз ноласи қалбларга сеҳрли сурур олиб кирди.

Наврўз арафасида Қарши шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун қурилган янги кўп қаватли уйлар ўз эгаларига топширилди.

— Бу йилги Наврўз оиламизга унутилмас севинчлар бахш этди, — дейди Ақида Носирова. — Кун кеча замонавий талаблар асосида бунёд этилган уч хонали уйга эга бўлдик.

Кўлигул чеварларга иш ўринлари

Байрам арафасида Жиззах вилоятида ҳам янги объект ва корхоналар ишга туширилди. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” дастури доирасида Дўстлик туманидаги “Манас” қишлоғида жами 216 та иш ўрнига эга иккита тикувчилик корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Вилоят бўйича оладиган бўлсак, янги очилган бу каби корхона ҳамда объектлар сони жуда кўп. Буларнинг ёнига давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилган хайрли ишларни қўшсак, жаззхликлар учун Наврўзи олам нечоғли шодиёнага айланганини илғаб олиш қийин эмас.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Соғинч

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун ватан, дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшим севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабин айтгин, десалар менга.
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин,
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар,
Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

QISHLOQQURILISHBANK

Ватанимиз аҳлини
Наврўз — умумхалқ байрами билан
самимий қутлайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик,
она-диёримизнинг равнақи йўлидаги фаолиятингизда
янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги
янги омонат турини таклиф этади:

«Кўклам ифори»

Фоиз ставкаси — йиллик 16 фоиз.
Маблағлар 6 ойдан 12 ойгача бўлган
муддатга қабул қилинади.
Омонатга ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-93-39,
150-72-58.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз
хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

Наврўз айёмингиз
муборак бўлсин,
азиз юрtdошлар!

Барчангизга
соғлиқ-омонлик,
бахту саодат ҳамда
хонадонингизга файзу
барака тилаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб,
«Агробанк» АТБ сизлар учун қулай бўлган
истеъмом кредитларини таклиф этади:

МЕБЕЛЬ

ТЎЙ
МАРОСИМЛАРИ

МАИШЙ
ТЕХНИКА

ТУРИЗМ

/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

www.agrobank.uz

Тел.: (0-371) 203-88-88.

/agrobankuzbekistan

Download on the App Store

GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган.



UZBEKNEFTEGAZ

«Ўзбекнефтгаз»
акциядорлик жамияти жамоаси

**юртдошларимизни
баҳор байрами —
НАВРЎЗ**
билан самимий қутлайди!

Сизларга танисихатлик,
хонадонингизга осойишталик,
дастурхонингизга тўкинлик,
ишларингизда муваффақиятлар
тилайди!



**Ассалом,
Наврўз!**

*Қадрли юртдошлар!
Наврўзи олаи муборак бўлсин!
Байрали юртимизга хушайфийат,
ангиланиги билан бирга, янада
фаровонлик ва рексиз олад келтирсин!*

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

0-800-1-200-200
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА ҚўНГЎРҚЛАР БЕЎЎП

Хизматлар лицензияланган.



«Микрокредитбанк»
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари
ва ҳамкорларини баҳор ҳамда яшариш байрами —

Наврўз билан чин дилдан табриклайди!

Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака,
бахт-саодат, бунёдкорлик ишларингизда
улкан зафарлар тилайди!

*Байрамингиз муборак,
азиз юртдошлар!*

Хизматлар лицензияланган.



«ZAMIN EKO AGRO»
корхонаси Нови-Сад дала ва полиз
экинлари институтида (NS SEME)
етиштирилган донли,
мойли ва озук экинларининг
серхосил уруғларини
таклиф этади:

**МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ
КУНГАБОҚАР УРУҒЛАРИ
ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА
ҚАНД ЛАВЛАГИ УРУҒЛАРИ
СОРГО УРУҒИ
БЕДА УРУҒИ**

Уруғлар синовлардан
муваффақиятли ўтган ва сифат
сертификатларига эга.

**МУВАФФАҚИЯТ
УРУҒЛАРИНИ ЭКИНГ!**

Мурожаат учун телефонлар:
(+99897) 738-10-27, 755-02-55,
130-51-21, (+99894) 160-27-24.
Факс: (0-371) 150-15-89.

www.zea.uz T.ME.AGROZAMIN

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг стазиб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терили ҳамада оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.10 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Набатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.